



Қашқадарё вилояти

Фикр

Биз хизмат қиласиган тармоқдаги кўпгина давлат ташкилотлари ўз ўрнини нодавлат сектори корхоналарига бўшатиб беряпти. Тармоқда янги корхоналар ташкил этиляпти, баъзилари тутатилмоқда ҳам.

МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ ЭГАЛАРИ

энг яхши шароитларга муносаб

2021 йилда 185 та бошлангич ташкилотда меҳнат қилинган 12301 нафар ходим манфаатларини ҳимоя ишларидан бўлсан, олиб борилган тарғибот-ташибикот ишларидан сўнг нодавлат сектори корхоналарига ҳисобига ҳозир тасарруфимиздаги ташкилотлар 197 тага етди. Аъзоларсон эса 15245 нафар.

Сироуски, ўёки бу ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига қаратилётган эътибор ортида ходимлар хавфисизлиги ва саломатлиги туради. Айниска, курилиш ва транспорт соҳаларида бу жуда мухим. Зоро, манаққатли соҳа вакиллари белисандик жабрини тортишга эмас, энг яхши меҳнат шароитларiga муносаб. Шунга кўра, 2021 йилда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳаракат хавфисизлигини таъминлаш бўйича жамоа шартномаларига киритилган мажбуриятлар ижроси ортиги билан бажарилди.

Афуски, ходимлари касаба уюшма имтиёзларидан фойдаланаётган намуналии корхоналар билан бирга, ишчи-хизматчиларни имтийомий-иқтисидор ҳимоясига панжа орасидан қараётган исбети борчилар ҳам йўқ эмас. Шу сабаб ўтган даврда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Қашқадарё вилояти кенгашни меҳнат-техник ва ҳуқуқ инспекторлари билан биргалирда кўпгина нодавлат сектори корхоналарига ташриф бўйириб, касаба уюшма афзалликлари ҳақида тушунириш ишлари, сұхbatлар олиб бордиган. Аммо беш кўл барабар эмас деганларидек, «Кўркам бино сервис» хусусий корхонаси раҳбари, «Тутак» МЧЖ, «Қарышспецмонтажстрой» МЧЖ, «Олтин нишон» хусусий корхонасида ходимларнинг имтийомий-иқтисидор ва ҳуқуқий ҳимоясига бефарзлик билан ёндашилаётганига гувоҳ бўлди.

Шунингдек, «Араб Қовчин иқболи» МЧЖ, «Дилобар Ҳамидовна» МЧЖ, «Лудина Кувончбек» МЧЖ, «Дашт қурилиш таъмилаш файз», «Умидбек Абдулла писари» хусусий корхоналарида касаба уюшма қўмитаси тузилган бўлса-да, ташкилот раҳбарлари аъзолик бадалларини тўлаш, ходимларни касаба уюшма имтиёзларидан баҳраманд қилиш ишларини пайсалга солишади.

Аксинса, «Элёр лойиҳа курилиш компанияси» МЧЖ, «1-сон комплекс лойиҳа курилиш» хусусий корхонаси, «Яккабоғ кўргони курилиш инжиниринг компанияси», «Персоналкурилиш савдо» МЧЖ каби корхоналардаги касаба уюшма қўмитаси фаолиятидан, қўрсатилаётган хизматлардан иш берувчи ҳам, ходимлар ҳам хурсанд.

Тармоқдаги ишчи-ходимлар фарзандлари Яккабоғ туманидаги «Автомобили» оромгоҳида ҳордик чиқаради. Оромгоҳ эса анча таъмилашади. Бир вақтлар бу оромгоҳ тоғлар қўйнингдаги энг бахаво, иклими инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатадиган маскан эди. Айни пайтда масканнинг мулкчилари шаклида ўзгариш бўлди. Маскан «Автомобили» ёшлилар оромгоҳи» маъсулити чекланган жамиятига айлантирилиб, мавжуд шароитларни яшилашга эътибор қаратилипти.

Худудда сув муммоси бор эди. Қудук қазиши ишлари олиб борилаётган. Аммо оромгоҳи қайтадан куриш ва замон таъмилашади мос гўзлар масканга айлантириш учун катта маблағ зарур бўлади, албатта.

Хабарингиз бор, Қашқадарёда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси ҳомийлигига: «Зиёд ҷашмалари» оромгоҳи қурилиш, Мирзо Улугбек номидаги оромгоҳи капитал таъмилашади. Китобдаги «Нурағшон» оромгоҳида катта курилишлар бўлди. Балки, Федерации қошида «Болаларнама» дам олдириш департаментига тузилиб, «Автомобили»га ўтша таъмилашади оромгоҳларга ёрдам кўрсатиш, уларнинг қурилиш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш фурсати келгандир...

Боймурод МЕЙЛИЕВ,

Транспорт, йўл ва капитал курилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси



«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилиармон аёллар ассоциацияси Германиянинг ҳалқаро ҳамкорлик бўйича Жамғарма кассалари фонди билан биргаликда янги лойиҳани амалга оширишга киришди.

Қишлоқ аёллари учун тренинг

Унда қишлоқ ҳўжалигига банд бўлган ёки ушбу соҳага қизиқувчи хотин-қизларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, уларга ахборот ва молиявий ресурслардан фойдаланиш сир-асрорлари ҳақида маълумотлар бериш кўзда тутилган. Шунга кўра, Тошкент, Жиззах, Самарқанд вилоятлари ва Коракалпогистонда семинар-тренинглар ўштириш режалаштирилган. Бу жараёнда махсус сертификатга эга иккни нафар тренер уч кун мобайнida қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги қориётган ёки хусусий томорқасидаги ўз бизнесини бошлашни хоҳлаган 20 нафар хотин-қиз учун микробизнес бўйича амалий машғулотлар ўтказди.

Семинар иштирокчилари оид билимлардан ташқари бозор динамикаси, рақорбатни англаш, бухгалтерия ҳисоби ва назорат қилишининг асосий тамойилларини тушуниш, микро молия ташкилотлари билан мижозлар ўтасидаги ҳамкорлик, кредитдан

самарали фойдаланиш хусусида ҳам зарур мәълумотларга эга бўлишиди, – дейди ассоциация раиси Гулнора Махмудова. – Шунингдек, бўлажак фермерларнинг молиявий билим ва кўнгилмаларини мустаҳкамлаш учун махсус тайёрланган симуляция-ўйинлар давомида тадбирко-



Янги лойиҳа

рона фикрлашга ўргатувчи тренинглар ҳам ташкил этилади.

– Машғулотларда мувafaқиятли қатнашганларга ташкилотчilar томонидан махсус сертификатлар берилади, – дейди «German Sparkassenstiftung» халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги вакили Матиас Ванглер. – Орзусидада улар имтиёзли кредитлар олиш, оилавий тадбиркорликни бошлаш, мавжуд бизнесларини ривожлантириш имконига эга бўлишиди. Шунга лойиҳага иккни давлатнинг дустона муносабатлари асос қилиб олинган. Асосий мақсад ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигига кўмаклашишдан иборатdir.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«ISHONCH»

Манфаатдорлик кўлами кенгаймокда



Айни пайтда тармоқда 105 та бошлангич ташкилот бўйиб, аъзолар сони 7 минг 252 нафарни ташкил этди.

Ўтган давр мобайнida жамоа шартномаларида шартларнинг бажарилиши эвазига аъзоларнинг манфаатдорлик даражаси 2021 йилда 2 миллион 756 минг 600 сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткив 2020 йил билан таъқосланганда 505 минг 500 сўмга кўп демақдир.

Касаба уюшма афзалликларини кенг тарғиб қилиш, ташкилот ва муассасаларни аъзолигига жало қилиш максадида ҳам бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

Хусусан, тармоқ тизимида ижтимоий шерплар, яъни иш берувчилар билан вилоят туризм бошқармаси, Фарғона вилояти аъзоласлаштирилган мақом мактаб-интернати, Шохимардон табиат музейи, «Дониён сифатли мебеллари» оиласи, корхонаси, Ўзбекистон кураш Федерацияси Фарғона вилояти бўлуми, Бувайда, Ёзёвон, Фурқат туманларидағи Болалар-ўсмиллар спорт мактаби, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети, «Орзуз таъмир-курилиш» МЧЖ, Фарғона вилояти Ёзувчилик уюшмаси, Фарғона шаҳар Аҳмад ал-Фарғоний номли оромгоҳо, Э.Воҳидов номидаги ижодкорлар бояи, Фарғона шаҳридаги «Ресторан МТ» МЧЖ раҳбари

билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориди ва тармоқ касаба уюшмаси бошлангич ташкилотини тузиш тўғрисида шартномалар имзоланди. Ходимларнинг имтийомий-иқтисадий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимояга олинди.

2021 йил давомида 103 та ташкилот ва муассасада 580 нафар касаба уюшма аъзолисига 154 млн. 520 минг сўм, жумладан, иш берувчи ҳисобидан 44 млн. 690 минг сўм, касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан 109 млн. 830 минг сўм маблағ ходимларнинг

ижтимоий-иқтисадий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга сарфланди.

«Саховат», «Муруват» ўйларида яшовчилар ҳолидан хабар олини, уларга кийим-кечаклар совфа килинди.

Юртимизда нишонланадиган байрамлар арафасида нафасадаги фахрийларга изат-икром кўрсатилиб, эсдалик совғалари топширилди.

Ташкилот ва муассасалarda меҳнат қи-

лаётган ходимларнинг 45 нафар фарзанди оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Тармоқ тизимида ишловчи касаба уюшма аъзоларининг 113 нафари, оила аъзоларининг 34 нафари, ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган пенсионерлардан 14 нафари имтиёзи, уларнинг 9 нафари касаба уюшмалари тасаррӯфидағи санаторийларда саломатликларини бепул мустаҳкамламиз имкониятига эга бўйдилар.

Ходимлар буш вақтларини мазмунли ўтказишилар ҳамда уларни бой мадданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан ташишири максадида уларни ва ўзлари оила аъзолари учун Хива, Самарқанд, Кашқадарё вилоятиларига саёҳатлар уюширилди.

Шунингдек, мажлисда кун тартибидан ўрин олган 2022 йилдаги устувор йўналишлар ҳамда бирлашган қўмита ва тафтиш комиссияси таркибида бўшаб қолган ўрнинларга янги аъзолар сайлаш тўғрисидаги масалалар атрофлича кўриб чиқилиди ва тегиши тақлифлар берилди.

Манзурахон АКРАМОВА,

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти

Оғриқ тишлар...



Сирдарё вилояти



БОЛАЛАР

ҲАҚИДАН ҚЎРҚМАЙСИЗМИ?

Яқинчага «Гулистон» оромгоҳи болаларнинг севимли дам олиш маскани эди. Зомин туманида жойлашган бу оромгоҳнинг тўрт томонидан тоғлар кўриниб турар, ёнгинасидан ётиб ютибди.

Баённомасида 25 майга қадар Зомин туманидаги «Гулистон» оромгоҳини иктисидор ҳижматдан барқарор корхона ёки ташкилотга инвестиция киритиш ҳамда замонавий тибдаги оромгоҳи айлантириш шарти билан бериси, мавсум давомида фоилият кўрсатишини таъминлаш масаласини ҳал этиш топширилган вилоят ҳоқимларига юқлатилган эди. Афуски, ўтган фурсат давомида амала ҳеч бир ҳаракат қилинмади. Оромгоҳни сотиб олган тадбиркор бўлса, унинг фоилиятини тикилаш рөзаси ўттариди.

Қисқаси, бу жой сирдарёлик болалар өнгизиши ташкилотини таъминлашади. 2019 йил оромгоҳ учун охирги мавсум бўлди.

Худуди 3 гектар майдонни эгалаган оромгоҳда 4 та ётёқхона биноси, ошхона ва машгулолат ходими ҳамда ёзги томошагоҳ мавжуд эди.

Оромгоҳ шу кунгача «Пахтаобод» пахта тозалаш заводи балансида бўлган. Завод «Sirdaryorxatasanoat» худудий акциядорлик бирлашмасига қарашли бўйиб, бир неча йилдан бери «Ёлишиш» арафасида туриди. Бу орада ҳисобда бўлган бинолар бирин-кетин сотува кўйилди, оромгоҳ ҳам сотилиб кетди. 2021 йил 14 октябрда биржа орқали «Guliston makhkaro building» МЧЖ билан 792 млн. 685 минг 83 сўмга олди-сотди шартномаси имзоланган.

Маълумки, Вазирлар, Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги Болаларнинг олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбиркорларини ишлаб чиқиши, уларни амалга ошириш юзасидан тизимида назорат ва мониторингни ташкил этишни таъминлашади. Ҳозирнинг «Гулистон» оромгоҳи сотииланган саҳнага эътибор бераси, юқоридаги мухим хужхатта беписандлик килинган. Чунки оромгоҳ ҳамма жонкуяларни жой-жойида бўлганида эди. Аслида, ҳаммаси ҳаммага мавзумдек гўё. Нима ҳам дер эдик, ҳамма жонкуяларни жой-жойида бўлганида эди.

Болалар баҳтиер болаликни туйини керак. Зоминде баҳаво маскандинг оромгоҳл

БОСМА НАШРЛАР ЭХТИЁЖИ

Менда журналистикага ҳавас ҳам, кейинчалик эса журналист бўлишга иштиёқ ҳам айнан газета сабаб шаклланган. Мен ҳар тонгни «тирик» газета ўқиб бошлашни одат қилганман. Бу – менинг эхтиёжим!

Ва биламанки, бу факат менгагина хос «қадрия» эмас, мендайлар бу атрофда ҳали кўпчиликни ташкил этади. Демак, эхтиёж бор, у баъзилар жар солаёттандаридек, ҳали куриб битгани ўйқ. Бу – бир!

Иккинчи муҳим асос шуки, матбуотдек саводли, шу билан бирга, ўз «сўзи»га жавоб бера оладиган ОАВ ҳозирча шаклланмади, деб ўйлайман. Бу мулоҳазани ўзини зиёли ҳисобловчи аксарият дастлаши аниқ. Чунки газетада ҳар қандай материал чоп этилишидан олдин росмана чиғириқдан ўтади. Ҳаққонийлиги текширилди, ижтимоий юки ҳисобга олинади, сависи, даражаси таҳлил қилинади ва яна бундан кам бўлмаган жойи таҳрири пишиллади, энг муҳими, имлоси тоза бўлади. Назаримда, бугун босма матбуотни айни жиҳатлар виртуал ОАВ воситаидан фарқлаб туради.

Биласизми, бугун кунига ўзини овоза қилишдан чарчамаётган пиарчиларнинг, ахборот хизматларини мутасаддиларининг аксариитида асосий муаммолар ушбу зикр этилган жиҳатларда кўринаёт: матн тузиш, хотосиз ёзиш, фактларни тўғри жойлаштириш, ўзи ишлаб турган соҳа сига оид муаммоларни тўғри таъкин қилишида...

Демак, жамиятнинг ишончни саводли асосий тоифаларидан бирига айланди – матбуот журналистикаси! Инкор этиб бўлмайдиган факт!

Шундай экан... Бугун матбуотнинг тақдирига билиб-бilmай фол очаётганларга айтар сўзларимиз бисёр.

**СОФ ЖУРНАЛИСТИКА
ҚАЙФУСИ**

Одамни ижтимоий тармоқларда, турли давлатларда тобора фаллашиб бораётган баъзи ёшларимизнинг ажабтурор фикрлари сергаклариди. Улар орасида ҳар қандай мавзуга «эксперт»ни «салоҳиятини» даъво қўлиучилар тобора кўпайиб бораётганини айтинг...

Биласиз, бирламчи ахборот асосий тасаввурни шакллантиради. Баъзилар бирон воқеа ёки ҳодиса ҳакида фикр юритар экан, истихолага ҳам бориб ўтирамайди. Шунчаки, «бакъир-чакъир»га тўла ёки нафрати ўйргилган сўзлар билан ўша ҳолатга изоҳ беради, ўзининг ҳақиқатпарварлигини исботлаш учун ҳам «ур-ҳо-ур» усулини қўллайди, бу шов-шувларга ўч бўлган олонгий фикр ҳаларига роса ёки бор дуч келган одамда ҳаммаси ҳақиқатдек тасаввур ўйноганди.

Аммо ижтимоий оламни «портлатиш» шавки билан тўйинтирилган бундай хабарларнинг қанчаси рост, қанчаси ёғону, қанчаси бир ёқлама бўлиб чиқаётганини энди энди ажабланмай ҳам қўйдик. Баъзизда эса бундай шов-шувлар замрида бирон-бир раҳбарнинг обрўсини тўкиш, одамларнинг шахсий муаммоларини ошкор этиш ўйли билан бадном қилиш каби чиркян мақсадларни англаб қолганиндан кейин одам ижтимоий тармоқнинг ҳамма галига шубҳа билан қараб қолар ҳам эксансан.

Яна ҳам кишини сергак торттирадиган жиҳат шундаки, ижтимоий тармоқлардаги нафқат имловий, балки барча жабхалардаги саводсизлик масаласи, умуман, савод масаласининг нечанчи ўринга тушуб қолганини барчамиз кўриб турибиз.

Тўғри, бу соф журналистика эмас. Аммо журналистиканинг каттиқ нонини еб юрган минглаб ҳамкасларимизни қўйнаётгани, бугун жамият айни шу ҳолатни «журналистика» дей қабул қилишга «хозирлик кўраётгани» дир.

Ахир ҳар бир соҳа ўзига хос бир фан. Уни аввал ўқиши, ўрганиши, унинг маълум бир сирларини билиш талабини ҳали ҳеч ким бекор қилмаган. Нега бу ҳақда жиммиз?

Наздимда, биз бўлажак журналистларга, яни олий ўкув юртлари табаларига қандай қилиб бўлса ҳам одамларнинг ишончини қозониш, этибoriga тушшилими – пиар қилиш сирларидан аввалроқ, ижод кўникона – ларини, адабиёт –

биз жамиятни янгиламоқчилими, замонавий фикрли, ўйғониш авлодини вояга етказмоқчилими, унда маърифатни инкор этмаслигимиз лозим. Маърифатни ҳозирча қенг тарқатадан бирни матбуот, ҳа, айнан босма матбуотdir.

РЕКЛАМА



**ROSSIYADAN
XALQ BANKI KARTALARIGA**

**BIR ZUMDA
PUL O'TKAZING**

1106

Хизматлар лицензияланган.

Гапни чўзмасдан мақсадга кўча-
миз. Яқинда хизмат юзасидан бир
шахснинг маълумотнома ҳужжа-
тига назар солдик. Унинг лавозими
номини ўқиб, ҳайратга тушдик:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигининг
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Мил-
лий кутубхонаси тасаруфидаги Тошкент
шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона маркази
Электрон ресурслардан фойдаланиши
уқув заллари хизматининг Умумий ўқув зал-
лари сектори Ахборот-кутубхона технологи-
ялари бўйича мутахассиси:

Ха, айнан шундай, ошиқ-ками ийк.

Бизда ходимнинг нима иш қилиши унинг
лавозими номидаги ақ этиши керак, деган
тушунча бор. Аммо номни қанча узайтири-
майлик, вазифа эгаси бажарадиган барча
ишилар тўла ифодалаб беролмайди ва бу
ишилар шу ходимнинг лавозим ўйрекнома-
сида турди-ку?!

Вазифанин катта-кичиги бўлмайди. Ташки-
лотда қоровудан тортиб раҳбарчага, ҳамма-
нинг ўрни, қадр-қиммати, тегишли вазифаси
бор. Хар бирисиз иш тўхтак қилиши мумкин.
Худди занжир ҳалқасидек. Аммо бирор ташки-
лотда касбдошлари қатори ишлаб келётган хо-
димнинг лавозими номини айтиши, ҳар турли
хужжатларга ёзишида келиб чиқадиган ноку-
лайлик кимга керак? Наҳот шуни иккι-уч сўз
орқали бошқа вазифалардан ахратни имкони
бўйласка? Бунча серёзлидан қочишнинг йўли
йўқми?

Бундай антиқа, эслаб қолиб, осонгина
айтиб бўйладиган номлар озмунча дейсизими?

Лоақал, шу ходимнинг ўзи лавозими номини
тўлиқ айта оладими? Балки, ёдлаши керакдир.
Аммо ун қулат бир-икиси сўз билан алмашти-
риб, ўрнига бирорта шеър ёдласа яхши эмасми?

Масалан, лавозимининг номи юкори-
даги каби жуда узун бўлган инсон бу номни
бир кунда бир марта айтса ва ётса, ўртacha
хисобда, қанча вактини исроф қилиши мум-
кин эканини бир ўйлаб кўрайлил. Айни ҳо-
латда қисқартмалар иш беради, деган ху-
лоса ҳам тўғри эмас. Чунки қисқартмалар-



ФУРСАТ ФАНИМАТДИР...

Ёхуд узундан-узоқ атамаларга эҳтиёж борми?

нинг ҳам ўта нокулај кўринишлари бор. Аслида улар талабафуз қўлайлиги учун пайдо бўйган. «ЎзМУ», «Ўзмөвабоддинг» каби кў-
плаб ўрнили қисқартмалар бор. Аммо яна шундайлари борки, уларни хос давра киши-
лари ҳам асло ишлатмайди. Чунончи, яқин
вактда ўқитувчиларнинг малака ошириш
институту бўйдад юритилади: «Абдулла
Авлоний номидаги ҳалқ таълими ти-
зими раҳбар ва мутахассис ходимларни
қўйта тайёрлаш ва уларнинг малакасини
ошириш институти». Бу сўзлар бинонинг
кимсига ёзиб ҳам кўйилган.

Яқинда ушбу мусассасанинг номи ва иш
тартиби ўзгаргани маълум килинди. Аммо
ҳали ҳам у қадар ишкан ва қулай эмас.
2017 йилдан бошлаб ёзилган мактаб-интернат

очилди, истагимиз амалга ошиди. Аммо вақт ўтиб, у вақтда уларнинг номи ҳам
жуда узун – «Президент, ижод ва ихтисос-
лаштирилган мактабларни ривожлантириш
агентлиги» эди, яна мактабларни қандай
аташининг ҳуқуқий асослари пеш қилинади-
ган буди. Ном аввалигидан ҳам узайди. «Ва-
зирлар Мажхамаси ҳузуридаги Президент,
ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни
ривожлантириш агентлигига қараши Ҳамид
Олимжон ва Зулфиюнинг номидаги ижод
мактаби». Ана энди яқиндан бери «Прези-
дент таълим мусассасалари агентлигига қа-
рашши Ҳамид Олимжон ва Зулфиюн номидаги
ижод мактаби» деб аталадиган бўлди. Бирор
хужжат ёзилса, бошида, албатта, шунча сўз
келиши шарт.

Ўзи қим учун ва нега таъкидлаймиз? Ма-
салан, шу мактаблар билан ишловчи агентлик-
нинг Вазирлар Мажхамаси ҳузурда эканини
чиқарли тасаруфидаги ёди. Аввалига уларни «Аб-
дулла Орипов номидаги она тили ва адабиёт
фанини чукурлаштириб ўқитишига ихтисос-
лаштирилган мактаб-интернат» деб атайди.
Бу истроғарчиликка чек қўйилиш керак.

Мактабларнинг, оддийгина қилиб, «Ибро-
йим Юсупов ижод мактаби» деб аталиши
етарли.

Умуман, бошқа ташкилотларни, улар
кимнинг қошида, кимнинг ҳузурда, кимга

қаратилган бўлмасин, таъкидлаш шарт
эмас. Шунда қанча сўзлар қисқарib, қанча
вақт тежалади.

Жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигининг
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Мил-
лий кутубхонаси тасаруфидаги Тошкент
шаҳар «Bilim» ахборот-кутубхона маркази
Электрон ресурслардан фойдаланиши ва
уқув заллари хизматининг Умумий ўқув зал-
лари сектори Ахборот-кутубхона техно-
логиялари бўйича мутахассиси

эмас, ахборот-кутубхона технология-
лари мутахассиси.

Секторларга эса, масалан, рақам қўйиш
етарли. Бу номлар фақат ичкарида керак,
ташқаридалиларга эмас. Шундек ҳам ку-
тубхонадан фойдаланувчилар ҳамма хо-
димларни «кутубхоначи» деб билади ва шу
етарли.

Айтмоқчи бўлган қисқа гапимиз шу, узун-
дан-узоқ номларни айтишига ўзи билан
умримизни бехуда ўтказмайлик. Вақтимиз
олингга тенг. Қилидаган ишларимиз эса жуда
кўп.

Маъмура ЗОҲИДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчilar уюшmasи аъзоси

Эълонлар

«Ҳамкор сугурта» АЖ-
нинг XS 0083732, 0092103;
HSL 0020200-0020224; HSU
0002476-0002485, 0003640,
0003643-0003645, 0003647-
0003650, 0003653-0003669,
0003671-0003674, 0003676-
0003679, 0003681-0003686,
0003688, 0003690-0003692,
0003696-0003722, 0003724-
0003727, 0003729-00037560,
0003881-0003886, 0003888,
0003897-0003900-сонли жами
144 дона сугурта полислари
йўқолгани сабабли бекор қи-
линиди ва ушбу полис доира-
сида юзага келадиган сугурта
даъвولари бўйича Компания
мажбурият олиб бормайди.

Янгийўл шахридан 4-умумий
ўтига таълими табомонидан
2021 йил **Йўлдошева Нозима**
Шарапитдин қозиги номига бе-
рилган **УМ №1037391-рақамли**
шаҳодатнома йўқолгани сабабли
бекор қилиниди.

Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси, уюшманинг
Тошкент шаҳар кенгаси ҳамда
«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие»
газеталари таҳририяти жамоа-
лари «Оила ва табият» газетаси
бош мухаррири Ҳусниндин
Бердинга рафиқи

Умидхон БЕРДИЕВАнинг
вафоти муносабати билан ҳам-
дардлик билдиради.

«Ishonch» ҳамда «Қишлоқ
ҳаёти» газеталари таҳририяти
жамоалари журналист Раимкул
Суяровга ўти
ИБРОХИМЖОНнинг
бевакт вафоти муносабати билан
таъзия изҳор этади.

МУАССИС:
Ozbekiston
kasaba
uyushmalar
Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигига
116-рәқам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари
таҳрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИКОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улугбек ЖАЛИМЕНОВ,
Анвар АБДУМОХУТОРОВ,
Сайфулло АХМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Кутлимуорт СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИКОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМКОВ,
Нодира ФОЙИНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(бош мухарриринг
биринчи ўрнбосари),
Мехридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош мухаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўйлімлар:
Касаба уюшмалари ҳаёт –
(71) 256-64-69
Хуқуқ ва халкаро ҳаёт –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий
қадриялар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг
фармон ва қарорлари,
энг сўнгги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий
мақолалар, ҳабарларнинг
тўлиқ матни
билим танишишингиз
мумкин.

Худудлардаги мухбирлар:
Қорақалпогистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андикон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Букоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-93) 573-77-14
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондэр вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган
маълумотларда манба сифатида
газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят
нукти назаридан
фарқланиши мумкин.

Навбатчи мухаррир:
А. Хайдаров

Мусаҳих:
Д. Ҳудойберганова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдувалилов

Босиша топшириш вақти – 19:00
Топширилди – 19:10

Газета оғсет усулида,
A-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **V- 5122**

34351 нусхада босилди.

Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-йўл.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета харфнама сеншана,
пайшабда ва шанча кунжални чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер
марқизида терилди ва саҳифаланди.

«Ozbekiston» нашриёт-матбаба ижодий
уйи босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Алишер Навоий кўчаси 10-йўл.

Таҳририят ҳисоблагачами:

2021 0000 0004 3052 7001,